

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
РЎД.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**НИЗОМОВ ШУКРИЛЛО АМРИДДИНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА УРЕТРАНИНГ ПОСТТРАВМАТИК СТРИКТУРАСИ ВА  
ОБЛИТЕРАЦИЯСИДА ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Низомов Шукрилло Амриддинович**

Болаларда уретранинг посттравматик стриктураси  
ва облитерациясида хирургик операциянинг  
самарадорлигини ошириш..... 3

**Низомов Шукрилло Амриддинович**

Повышение эффективности хирургической  
операции при посттравматических стриктурах  
и облитерациях уретры у детей..... 23

**Nizomov Shukrillo Amriddinovich**

Improving the efficiency of surgery for  
posttraumatic strictures and urethral  
obliteration in children..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
РъД.04/30.12.2019.Тиб.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**НИЗОМОВ ШУКРИЛЛО АМРИДДИНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА УРЕТРАНИНГ ПОСТТРАВМАТИК СТРИКТУРАСИ ВА  
ОБЛИТЕРАЦИЯСИДА ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РъД)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD/Tib530** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажирилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-сайтида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziyoulet» ахборот таълим порталида ([www.ziyoulet.uz](http://www.ziyoulet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Акилов Хабибулло Атауллаевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Мухтаров Шухрат Турсунович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Юсупов Шухрат Абдурашулович  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Самарканд давлат тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «ф» сентябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарканд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) - 233-30-34, e-mail: [ilmiyprorektori@sammi.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарканд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин **КСРБ** - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарканд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 – уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «  » \_\_\_\_\_ кунги тарқатилди.  
(2021 йил «  » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**А.М. Шамсиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.Э. Шодикулова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Ж.О. Атакулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунёда болалар касалликларининг 40% дан ортигини сийдик ажратиш тизими аъзоларининг касалликлари ташкил этади»<sup>1</sup>. Қатор ўтказилган тадқиқотлар натижаси бўйича болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясини жарроҳлик йўли билан даволашдан кейинги асоратлар 25–50% ҳолда учраши аниқланган. Уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерацияси болаларда иккиламчи буйрак бужмайиши, буйрак етишмовчилиги ривожланишига олиб келади. Касаллик 65% дан ортиқ ҳолларда ногиронликка ва ҳаёт сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётини қўллаш бутунги кунда тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясини самарали даволашнинг замонавий моделларини тадбиқ этиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерацияси сабабли ривожланган асоратларни бартараф этиш, мавжуд бўлган операция усулларини таҳлил қилиш, операция усулини яқин ва узоқ давридаги натижаларини ўрганиш, объектив баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш натижасида жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш ечимга муҳтождир. Болалар орасида уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида ўз вақтида жарроҳлик амалиётини қўллаш натижасида саломатликни тиклаш, асоратларни бартараф қилиш, тиббиётнинг биринчи бўғини, тез ва шошилинч тиббий ёрдамни янада ислоҳ қилиш, ҳамда йўналтирилган жарроҳлик даволаш услубларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясини самарали хирургик даволаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан уретранинг посттравматик стриктураларини самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини бартараф этишга хизмат қилади.

<sup>1</sup> World Health Organization. Pediatrics: fact sheet no. 208. World Health Organization website, 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs208/en>, accessed February 2;

<sup>2</sup>Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошлинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётлардаги кўплаб тадқиқотлар натижасида шикастланишлар оқибатида пайдо бўладиган уретра посттравматик стриктураси ва облитерациясини хирургик йўл билан бартараф этиш ҳозирги пайтгача хирургиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Хаджибаев А.М., ҳаммуалл., 2012; П.А.Щеплев, с соав., 2018; Coccolin F. et al., 2019). Ушбу муаммони кisman ёки тамомила ҳал қилиш учун деярли бир ярим аср давомида илмий - амалий тадқиқот ишлари олиб борилаётгани, хилма-хил операция усуллари таклиф этилгани ва этилаётганига қарамадан травмадан кейин рўй берадиган уретра стриктураси ва облитерациясини даволаш ўзининг узил - кесил ечимини топган эмас ва ҳали ҳам кизгин баҳслар давом этмоқда. Албатта, бу баҳслар асосли ва унинг субъектив ҳамда объектив сабаблари бор. Уретра шикастланишининг ўткир даврида кўрсатмалар мутлақо бўлмаганда ҳам шикастланган уретрани нотўғри катетерлаш ёки бир неча бор уриниш, уретрани бужлаш, операцияни бажаришнинг қатъий кўрсатмаларига амал қилмаслик оқибатида ҳар хил асоратларнинг келиб чиқиши субъектив сабаблар жумласига қиради. Шу ҳолатни таъкидлаш жоизки, огир транспорт фалокати ёки баландликдан оралик билан каттик предмет устига йиқилиш оқибатида чаноқ суяклари синиши ва суякларнинг бир - бирига нисбатан силжишидан уретранинг маълум бир қисмида узилишлар ёки кўндалангига ёрилишлар бўлса, стриктура ёки облитерация рўй бериши муқаррардир (Аҳмедов Р.Н., ҳаммуалл., 2014; А.М. Хаджибаев, с соавт., 2015; Kitrey N.D. et al., 2018).

Илмий адабиётларда уретра стриктураси ёки облитерацияси рўй берган ҳолларда уни бартараф этиш учун бир неча ўн йиллар давомида қўлланиб келинган бужлаш (Подрез – Альбарран - Вишневский усули), «зўрлаб йўлак ҳосил қилиш» (Кройсс - Фронштейн операцияси), уретрани қовуқ ичига тортиб инвагинация қилиш (Соловев усули) каби жаррохлик муолажаларининг ижобий жиҳатлари билан бирга анча салбий тарафлари ҳам борлиги олимлар томонидан қайд этилди. Юқорида қайд этилган операцияларнинг энг ёмон асорати

стриктура ва облитерациянинг яна қайталанишидир. Шу сабабли ҳозирги пайтда бу операциялар қатъий кўрсатмаларсиз деярли қўлланилмайди. Бирок, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда энг яхши самарали усул деб тан олинган Хольцов - Марион операцияси ҳам асоратлардан холи эмас. Масалан, В.Н.Ткачук, К. Комяков Хольцов операциясидан кейин 50%, Л.А.Кудрявцев 42,9% рецидив ҳолатини қайд этган бўлсалар, Н. Gundogdu 12 нафар болани операция қилишган бўлса, уларнинг 10 тасида стриктура қайта ривожланган. Хольцов операциясининг яна бир асорати жаррохлик муолажасидан кейин беморларда жинсий заифликни ривожланишидир.

Ўзбекистонда уретра стриктураси ёки облитерацияси касалликларини ташхислаш ва даволаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш (Шамсиев А.М. 2019), уретра стриктурасини жаррохлик усуллари такомиллаштириш (Ахмедов Ю.М. 2017), уретра стриктураси ёки облитерацияси ривожланишини патогенетик асослаш (Хаджибаев А.М.2018) бироқ, уретра стриктураси ёки облитерациясида сийдик ажратиш тизимидаги ўзгаришларининг клиник-ташхисоти ва жаррохлик асоратларини олдини олиш, башоратлашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, уретра стриктураси ёки облитерацияси касаллигида учрайдиган асоратларни олдини олиш ва жаррохлик даволаш тамойилларни такомиллаштириш, учраши мумкин булган асоратларнинг этиопатогенетик сабабларини ўрганиш ва янги даволаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи болалар жаррохлигида долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ПЗ-20170929793-сонли «Болаларда қориннинг ёпик шикастланишларида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ташхислаш ва даволаш жараёнини такомиллаштириш» (2018-2020 й.) илмий лойиха доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида бирламчи жаррохлик муолажасининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда уретра посттравматик стриктураси ва облитерациясини бартараф этишда маъжуд бўлган операция усуллари таҳлил қилиш;

болалар уретраси шикастланишларидан кейинги стриктура ва облитерацияни бартараф қилишдаги самарали усулни такомиллаштириш ва қўллаш;

таклиф қилинаётган такомиллаштирилган операция усулини яқин ва узок давридаги натижаларини объектив баҳолаш;

олинган натижалар асосида болаларда уретра шикастланишларидан кейинги стриктура ва облитерацияни бартараф қилишнинг оптимал усулини тадбиқ этиш ва амалиётда қўллаш.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида сифатида 2012-2020 йилларда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази баъзаларининг болалар хирургияси бўлимида уретра стриктураси ва облитерацияси бўйича операция қилинган 55 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясини бартараф этишда хирургик операциянинг самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда уретра стриктураси ва облитерациясининг келиб чиқишига ва қайталанишига асосан травма даврида ва самарасиз жаррохлик муолажасидан кейин уретрани қайта катетерлаш ва бужлаш сабаб бўлиши асосланган;

уретра стриктураси ёки облитерациясида такомиллаштирилган жаррохлик операциясини бажаришда махсус ишлаб чиқилган дренажловчи катетерни қўллаш ижобий натижаларга эришилганлиги исботланган;

махсус дренажловчи катетер орқали қовуқни ва анастомоз соҳасини доимий равишда антисептик эритма билан ювиб туриш эвазига қовуқда ҳамда анастомоз соҳасида яллиғланиш жараёнининг бартараф этилиши асосланган;

уретрадаги қўп тешикли найча ва унинг ичидан ўтувчи дренажнинг ингичкалаштирилган уретра қисми орасидаги эркин бўшлиқ анастомоз соҳасида ҳосил бўладиган тўқима суюқлигининг чиқиб кетишини таъминлаши натижасида ушбу соҳада юқори босим ҳосил бўлишининг олди олиниб, микроциркуляциянинг фаоллашуви эвазига регенерация жараёнининг жадаллашуви исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

уретра травмаси натижасида ўткир сийдик тутилиши кузатилганда шошилинч ёрдам сифатида авваламбор эпипицистостома ўрнатиш ҳамда қовуқни бўшатиш, ундан кейин эса уретранинг шикастланиш даражаси аниқланиб, кейин такомиллаштирилган операция усулини қўллаш стриктура ва облитерация каби оғир асоратларнинг олди олинган;

уретрани махсус дренажловчи катетер қовуқни доимий равишда антисептик эритма билан ювиб туриш эвазига қовуқда яллиғланиш бартараф этилган;

махсус дренажловчи катетернинг қўп тешикли найча ва унинг ичидан ўтувчи дренажнинг ингичкалаштирилган уретра қисми орасидаги эркин бўшлиқ орқали анастомоз соҳасида ҳосил бўладиган тўқима суюқлигининг чиқиб кетиши сабабли шу соҳада юқори босим пайдо бўлмаслиги натижасида уретра стриктураси ва облитерацияси юзага келиши бартараф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, урологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, уретра стриктураси ёки облитерацияси ўзгаришларини ташхислаш ва даволашнинг ўзига ҳослиги ва ташхислаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар

билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар жаррохлигида уретра стриктураси ёки облитерацияси сабабли ривожланган асоратларни бартараф этишга қаратилган такомиллаштирилган жаррохлик операциясини қўллаш даволашдаги замонавий ютуқларига қатта хисса қўшилганлиги, ҳамда ушбу касалликлар ривожланишида келиб чиқадиган асоратларни олдини олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган замонавий оператив даволаш жаррохлик амалиёти натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар учрашсини сезиларли қисқартириш, қайта операциялар заруратини камайтириш ва иктисодий сарф-харажатларни қисқартирувчи ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиловчи даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида хирургик операциянинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида анъанавий хирургик операциясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида жаррохлик муолажасининг самарадорлигини ошириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 8 н-р/144-сонли маълумотномаси) ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган. Мазкур услубий тавсиянома уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида жаррохлик муолажасининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

ковук ва уретрани дренажловчи катетер такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Қовук ва уретрани дренажловчи катетер» Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали модель патенти олинган (№IDP 05277, 2002й). Мазкур фойдали модель орқали ковуқ ва уретрадаги суюқликларни безарар чиқиб кетиши таъминланиб, операциядан кейин пайдо бўладиган асоратларнинг олдини олиш имконини берган;

болаларда уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерациясида жаррохлик муолажасининг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қашқадарё вилояти ва Навоий вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси тиббиёт амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 8н-д/128-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши асоратлар сонини камайтириш ва даволаниш муддатини ўртача 7 кунга қисқариши, даволанишдан кейинги самарали натижалар сони 87,3% дан 98,2%гача ошиши имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 5 та мақола, улардан 4 та республика ва 1 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили. Болаларда уретра шикастланишларидан кейинги стриктура ва облитерацияни хирургик бартараф этишнинг муаммолари**» деб номланган биринчи бобида болаларда уретра шикастланишларидан кейинги стриктура ва облитерацияни хирургик бартараф этиш муаммолари ва даволаш масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Болалар уретра шикастланишларидан кейинги стриктура ва облитерацияни реконструктив хирургиясида сўнгги йиллар тенденцияси ва ривожланиш тарихи батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Уретра травмасидан сўнг стриктура ёки облитерация кузатилган беморлар клиник материали ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари баён этилган. Тадқиқот вазифаларига мувофиқ 2012 йилдан 2020 йилгача бўлган давр мобайнида уретранинг посттравматик стриктураси ва облитерацияси билан касалланган 55 нафар боланинг комплекс текшириш ва хирургик даволаш натижалари ўрганилди. Бемор болаларнинг ёши 3 ёшдан 15 ёшгача.

Беморларнинг умумий сони 55 та бўлиб, барчаси ўғил болалар. Уларни ёшига қараб гуруҳлашда И.А. Аршавский таклиф этган таснифдан фойдаланилди.

Уретра травмасига сабаб бўлган омилларни аниқлаш шуни кўрсатдики, етакчи ўринда транспорт фалокати туради, яъни у бошқа травма турларига қараганда 4,9 баравар кўп учраб, 83 фоизни ташкил этади (1 - жадвал).

Турмушда олинган 10 боланинг уретра травмаси оралик соҳаси билан қаттиқ предмет устига йқирилиш натижасида юзага келган.

**Болаларнинг уретра травмаси сабаблари ва ёшига нисбатан тақсимланиши**

Травма сабаби	Болалар ёши (йилларда)						Жами	
	3-7		7-12		12-15			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Транспортдан	5	9,1	26	47,3	14	25,5	45	81,8
Турмушда	2	3,6	5	9,1	3	5,5	10	18,2
<b>ЖАМИ</b>	<b>7</b>	<b>12,7</b>	<b>31</b>	<b>56,4</b>	<b>17</b>	<b>30,9</b>	<b>55</b>	<b>100</b>

Транспорт воситаларидан олинган травмалар ўзининг тиббий жиҳатдан оғирлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолларда қов суяги ёки унинг бошқа суяклар билан биргаликда синиши уретра шикастланиши рўй беришининг асосий сабабидир (2 - жадвал).

**Транспорт воситаларидан болалар уретрасининг чанок суяклар билан биргаликда шикастланиши бўйича тақсимланиши**

Шикастланиш турлари	Болалар ёши						Жами	
	3-7		7-12		12-15			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ков суягининг синиши	3	6,7	18	40,0	5	11,1	26	57,8
Ков суягининг думғаза суяги билан биргаликда синиши	1	2,2	6	13,3	6	13,3	13	28,9
Чанок суяклар синиб, уретранинг ковок бўйнидан узилиши	1	2,2	2	4,4	3	6,7	6	13,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>5</b>	<b>11,1</b>	<b>26</b>	<b>57,8</b>	<b>14</b>	<b>31,1</b>	<b>45</b>	<b>100</b>

2-жадвалдан кўрииб турибдики, қов суягининг синиши уретра травмасига энг кўп сабаб бўлар экан. Шуни ҳисобга олсак, фақат қов суягининг синиши ва синик бўлакларининг уретра деворини эзиши, босиши, ёриши, узишдан стриктура ёки облитерация рўй бериши 57,8 фоизни ташкил қилади. Ков суягининг думғаза суяги билан биргаликда синиши, албатта травма ҳолатини оғирлаштиради ва бунда, табиийки, уретра деворининг шикастланиш даражаси ҳам ошади. Биз кузатган беморларда бу ҳол 28,9% кайд этилди. Чанок суякларининг биргаликда синиши травма шикастлаш кучининг катта бўлганлигидан дарак беради ва шунинг учун ҳам уретра ковок бўйнидан узилиб кетган. Бу ҳол 6 нафар касалда кузатилди (13,3%).

Шу вазиятни алоҳида таъкидламоқ лозимки, бизнинг кузатувимизда бўлган беморларнинг барчаси аввал бошқа шифохоналарда бир ёки бир неча марта даволанган бўлиб, уларга такомиллашган махсус тиббий ёрдам кўрсатилиш зарурияти бор деб ҳисобланганидан клиникамизга келиб тушдилар (3 - жадвал).

**Уретраси шикастланган болаларнинг ёшига ва даволаш сонига  
нисбатан тақсимланиши**

Гуруҳлар	Болалар ёши						Жами	
	3-7		7-12		12-15			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1 - гуруҳ	2	3,6	16	29,1	7	12,7	25	45,5
2 - гуруҳ	3	5,5	21	38,2	6	10,9	30	54,5
ЖАМИ	5	9,1	37	67,3	13	23,6	55	100

1 - гуруҳга мансуб беморлар 25 нафар, яъни 45,5 фоизни ташкил қилиб, уларга биринчи тиббий ёрдам травма олганидан сўнг улар келиб тушган маҳаллий шифохоналарда кўрсатилган.

2 - гуруҳга киритилган болалар 30 нафар бўлиб (54,5 %), улар 2 ва ундан кўп марта вилоят шифохоналарида даволанишган ва ижобий натижа бўлмагач клиникамизга юборилган.

Хуллас, шу жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, узоқ вақт давомида самарасиз даволанганлар ёки операция натижаси муваффақиятсиз бўлиб, уретра стриктураси ёки облитерацияси қайталаган беморлар сони (2-гуруҳда) 54,5 фоизни ташкил қилади.

Бемор болалар клиникага ётқизилган заҳоти қон ва сийдикнинг умумий таҳлили ўтказилди, оксил, мочевино, креатининнинг миқдорлари аниқланди. Беморларнинг барчасида цистостомо найчаси борлигидан фойдаланиб, микцион цистоуретрограмма бажарилди. Бу ерда микцион цистоуретрограмма атамаси уретраси облитерацияга учраган беморларга нисбатан нотўғрироқ бўлар, аммо уретранинг проксимал қисмига контраст модда кириб, то берк қисмигача тўлдиргани учун облитерация узунлигини аниқлашга имкон беради. Шунингдек, болаларда юқорига кўтарилувчи урстерограмма ҳам бажарилди. Бемор болаларнинг барчасида буйрак паренхимаси, жом-косача тизими ҳолати, ковок деворлари қалинлиги, унинг сифими, қолдик сийдик миқдори операциягача ва операциядан кейин ультратовуш текширишларида аниқланди ва таҳлил қилинди. Шу билан бир қаторда пешобнинг бактериологик экмаси текширувлари ўтказилди (4-жадвал).

**Бактериологик текширувлар натижалари**

Микроблар	Беморлар сони	
	абс.	%
<i>P.aeruginosa</i>	33	60,0
<i>Enterobacteriaceae</i>		
<i>Proteus</i>	12	21,8
<i>P.aeruginosa</i>		
<i>St. Saprophiticus</i>	3	5,5
<i>Candida</i>	2	3,6
Микрофлора аниқланмади	5	9,1



Бактериологик текширувларда топилган патологик микробларга нисбатан антибиотикларнинг таъсирчанлиги (5-жадвал) аниқланди.

5-жадвал

Антибиограмма таҳлили

Юқори сезувчанлик	Паст сезувчанлик	Сезувчанлик йўқ
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>		
меронем (89,7%)	ампициллин клавулонат – 53,6%),	доксциклин (87,3%)
цефоперазон + сульбактам (87,8%)	цефуросим (52,5%)	карбенициллин (89,7%)
цефепим (86,4%)	цефоксим (54,7%).	
цефтадизим (81,8%)		
<i>Enterobacteriaceae</i>		
цефоперазон (86,4%)	ампициллин клавулонат – 63,6%),	доксциклин (86,4%)
амикацин (81,8%)	цефуросим (54,5%)	карбенициллин (90,9%)
цефтриаксон (77,3%)	цефоксим (54,5%).	цефалексин (72,7%)
гентамицин (72,7%)		цефазолин (81,8%)
<i>Proteus</i>		
цефоперазон (81,8%)	гентамицин (63,6%)	ампициллин 100%
цефтриаксон (72,7%)	амикацин (54,5%)	доксциклин 100%
цефоперазон + сульбактам (90,9%)		полимиксин 100%
цефтриаксон + сульбактам (86,4%)		

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларда урофлоуметрия кўрсаткичини аниқлашда В.В. Гольдберг томонидан тақриф этилган содалаштирилган урофлоуметрия усулини қўлладик. Бу усулда куйидаги формуладан фойдаланилади:  $UFI = V:T$

Бу ерда: UFI - урофлоуметрия индекси; V - сийдик ҳажми; T - сийдик ажралиш вақти;

Олинган материалларга статистик ишлов бериш MSOffice 2010 дастури, «Statistica 6,0» амалий дастурлар пакети ёрдамида тиббий маълумотлар таҳлилини ўтказишга қўйилган замонавий талабларга мувофиқ бажарилди.

Диссертациянинг «Болаларда уретра посттравматик стриктураси ва облитерациясида аввал ўтказилган жаррохлик муолажаларнинг кўрсаткичлари ва такомиллаштирилган операция усулини қўллаш» деб номланган учинчи бобида болалардаги уретра посттравматик стриктураси ва облитерациясида аввал ўтказилган жаррохлик муолажаларнинг кўрсаткичлари ва такомиллаштирилган операция усулини қўллаш тактикаси кўрсатилган. Операция қилинган бемор болаларни уларнинг уретра стриктураси ва облитерациясини бартараф этиш усулларига биноан 3 га бўлиб ўрганган эдик. Улар узоқ вақт мунтазам равишда бўжланган 15 бола, Кройсс -

Фронштейн операцияси ўтказилган 15 бемор ҳамда Хольцов бўйича хирургик муолажа ўтказилган 25 нафар касал болаларни ташкил қилган эди. Эслатиб ўтмоқчимизки, шу болаларнинг барчасига операция ўтказилган эди. Шунинг учун ҳозирда бизнинг вазифамиз шу беморларни операция қилиш жараёнида оралик соҳасида, диққат марказида турган уретрада қайд этилган ўзгаришларни синчиклаб ўрганиш ва операциягача вужудга келган ҳолат билан қиёсий ўрганишдан иборатдир.

Энг аввало бужлаш ўтказилган беморларга тўхталайлик. Операция пайтида аниқланган ўзгаришларга қараб, биз уларни 2 гуруҳга ажратдик.

1- гуруҳ беморлари 10 та бўлиб, операция маҳалида улар уретраси бульбар қисмининг охири ҳамда мембрана қисми чандикланиб, сохта йўл ҳосил бўлган эди. Бу сохта йўлнинг узунлиги 1,5 дан то 2,5 см гача бўлиб, уларнинг келиб чиқиши асосан катетерлаш ёки бужлаш маҳалида уретра деворининг тешилиб, сохта йўл ҳосил бўлганлигидир.

2- гуруҳ (5 нафар) болаларида уретра бульбар қисми охири ва мембрана қисмида 1,5 - 2,0 см узунликда стриктура бўлиб, унинг тешиги тор ва йўли эгри - бугри эди. Стриктура атрофида чандик борлиги қайд этилди. Бу ўзгаришлар, албатта, узок вақт бужлаш оқибатида содир бўлган.

Кройсс-Фронштейн операцияси бажарилган беморларнинг барчасида уретра стриктураси (10 болада) ва облитерацияси (5 болада) асосан унинг мембрана қисмида жойлашган эди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, стриктура ёки облитерацияси узунлиги 2,5 см ва ундан ортик бўлиб, чандиклашуви 10 болада мембрана қисмидан ташқари бульбар қисмига ҳам, 5 болада эса простата қисмига ҳам ўтган эди. Бульбар қисмининг патологик жараёнига учраганлиги узок вақт давомли бужлаш ёки катетерлашга тегишли бўлса, простата қисмидаги ўзгаришлар эса зўрлаб йўлак очиш натижасибўлган. Операция пайтида уретра облитерацияси юз берган ҳолларда ҳар хил бурмалар кўринишидаги уретра шиллик қаватининг қолдиқлари ва улар атрофида қаттиқ, қўюл, дағал, хатто тоғайсимон тўқимагаўхшаш чандиклар борлиги найча уретрада узок турганлигининг ҳамда туннелизация пайтида инфекция олиб кирилганлиги оқибати бўлиши мумкин. Бирок, бу ҳолда узок вақт бужлашдан уретра деворларининг сурункали шикастланганлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Кройсс-Фронштейн операцияси ўтказилган болаларнинг 3 нафарида бульбар-каверноз мускули тамомила чандиклашган, унинг ректо-бульбар мускул билан бириккан жойини аниқлашнинг мутлақо иложи бўлмади. Уретранинг спонгиоз тўқимаси ҳам атрофиялашган, атрофи эса чандиклашган эди. Шунини таъкидлаш лозимки, операциядан олдин бу болаларда эрекция мутлақо кузатилмади.

Маълумки, Хольцов усули бўйича 25 нафар бола операция қилинган эди. Операция пайтида топилган аломатларга биноан улар 3 гуруҳга бўлинди.

1-гуруҳга мансуб болаларда (10 нафар) уретранинг қайта облитерацияси рўй берган бўлиб, операция майдони чандиклашган, бульбар - каверноз мускули қисман атрофияга учраган эди. Бу беморларда уретранинг чандиклашган қисмини олиб ташлаб, проксимал ва дистал учлари орасидаги диастаз аниқланганда 1 болада бу 4 см дан зиёд эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, уларнинг 1 нафарида уретра - тери (ораликка очилган) окмаси туфайли чандиклашиш жуда ҳам кўпол тарзда ривожланган эди. 4 нафар болада эса уретра анастомоз чокида сўрилмаган ипак ва синтетик иплар, атрофидаги дағал чандиклар аниқланди.

Афсуски, бу болаларнинг касаллик тарихидан кўчирмада Хольцов бўйича операция қилиш пайтида уретра учлари орасидаги диастаз канча масофада бўлганлиги тўғрисида ҳеч нарса қайд этилмаган. Бироқ 6 беморда диастазнинг 2,5 см дан узун эканлиги, чандикларнинг простата қисмида ҳам мавжуд бўлиб, уретранинг меъёрий девори қовуқ бўйнигача мавжуд бўлмаганлиги уларда даставвал уретранинг қовуқ бўйнидан узилганлиги содир бўлмаганмикан деган фикрни туғдиради. Албатта, бу болаларда рецидив операциянинг эрта даврида анастомоз чокланган чизигининг таранглашганлиги туфайли рўй берган. Болаларнинг 2 нафарида уретра - тери окмаси борлиги, унинг тешиги ораликда жойлашиб, ундан сийдик ва йиринг ажралиб турганлиги операциянинг муваффақиятсиз бўлганлигида инфекция асосий роль ўйнаганлигининг яққол далилидир. 4 боладаги қайд этилган фактлар, яъни сўрилмаган иплар, дағал чандиклар операциянинг нозик жиҳатларига етарли даражада эътибор берилмаганлигининг оқибатидир.

Қолган 6 нафар болада (2 гуруҳ) уретранинг стриктураси қайта ривожланган бўлиб, Хольцов операциясини қайта бажариш даврида қуйидаги омиллар аниқланди: 3 болада уретранинг дистал учи проксимал уретранинг ёнига, 2 болада эса проксимал уретранинг учи дистал уретра ёнига уланганлиги аниқланди. Бунда анастомоз тешиклари торайиб, атрофи ҳам кўпол чандиклашганлиги қайд этилди. 6 боланинг 1 нафарида эса стриктура қайталанишининг аниқ сабабини билишнинг имкони бўлмади, аммо операция пайтида проксимал ва дистал уретра дағал чандиклар орасида сикилиб қолган шиллик қават йўли орқали бир-бирига туташиб турганлиги қайд этилди. Ушбу каналдан 1 мм диаметрли жуда ингичка катетерни ўтказишнинг иложи бўлди, холос.

Хольцов бўйича операция қилинганларнинг 3 - гуруҳида (9 бола) уретранинг каверноз-бульбар қисми операция қилинган эди. Қайта операция пайтида 3 та болада анастомоз чокидан ипак иплар олиб ташланди. Бу ипак иплар билан уретранинг барча қавати бирварақайига олинганлиги аниқланди. Болаларнинг 6 нафарида эса уретра бульбар қисмининг бошланиши, айниқса мембранага ўтиш қисми ҳамда каверноз қисмининг охири кўпол чандиклар билан ўралганлиги, спонгиоз тўқимасининг кўпол чандиклашганлиги, уретра деворининг эса қалинлашиб, эластиклигини буткул йўқотганлиги қайд этилди. Бу ўзгаришлар, албатта узоқ вақт бужлаш оқибати, яъни уретра деворининг сурункали шикастланишига жавоб реакцияси эди.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб билдик. Бунинг учун, энг аввал кузатувимизда бўлган беморларнинг қайта операциясида биз кўлга киритган маълумотлар мажмуаси қуйидаги жадвалда келтирилди (6-жадвал).

Бужлаш ўтказилган, Кройсс-Фронштейн операцияси бажарилган ҳамда уретранинг каверноз қисми стриктураси ривожланган 30 нафар беморларнинг деярли барчасида уретра бульбар қисмининг мембраноз қисмига ўтар соҳаси



(20 нафар болаларда), каверноз кисмининг бульбар кисмига ўтиш жойи (10 беморда) стриктура ёки облитерацияга учраган эди.

6 - жадвал

**Болаларда уретра стриктураси ва облитерацияси қайталанишига сабаб бўлган омиллар**

Қайталаниш сабаблари	Операция турлари											
	Бужлаш				Кройсс-Фронштейн				Хольцов			
	Стриктура		Облитерация		Стриктура		Облитерация		Стриктура		Облитерация	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Диастаз 2,5 см дан ортик	5	9,1	10	18,2	10	16,4	5	9,1				
Анастомоз чоки таранглашган											4	7,3
Анастомоз нотўғри бажарилган									5	9,1		
Анастомоз нотўғри чокланган											7	12,7
Инфекция тушган											2	3,6
Бужлаш оқибати									7	12,7		
ЖАМИ (n=55)	15		27,3		15		27,3		25		45,5	

**Изоҳ:** гуруҳларга нисбатан олинган натижалар аҳамиятлилиги  $P < 0,05$

Куйида эса такомиллаштирилган Хольцов операцияси босқичма - босқич ёритиб ўтилган.

Биринчи босқичда операция майдони ковок усти соҳаси, олат, ёрғок, оралик юкумсизлантирилганидан кейин ёрғок остидан то анал тешиги атрофи пигментация кисмигача тўғри қирким бажарилади.

Ўрта чизик бўйича тери, тери ости ётқавати ва нозик фасция кесилгач, бульбо - каверноз мускулнинг юзаси очилади. Унинг чап ва ўнг тарафлари ўрта чизиги бўйлаб нозиклик билан то уретрани ўраб турувчи спонгиоз қаватгача кесилиб, мускул икки тарафга ажратилади. Бу мускулни спонгиоз қаватдан ажратишда унинг бир толасини ҳам шикастланмаслик лозим, чунки бу мускул ўз функциясини йўқотса, импотенция ривожланади.

Уретрани, уни ўраб турувчи спонгиоз қавати билан атроф тўқимадан ажратилади. Спонгиоз қаватнинг қов суягининг пастки юзасига фиксацияловчи пайи қиркилгач, уретранинг ён томонлама ҳаракати ошади ҳамда эҳтиётлик билан то тос туби диафрагмасигача ажратилади. Бизнинг тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, болаларда уретра девори жуда юпқа бўлганлиги учун спонгиоз тўқимани ажратиш техник жиҳатдан нихоятда қийин. Биринчидан, спонгиоз тўқима уретрани айлантириб ўраб олган, иккинчидан у уретранинг вентрал кисмида, ён тарафларида жуда қалин, фақат дорсал тарафида юпқарок. Шунинг учун уретра спонгиоз тўқима билан биргаликда айни тос туби диафрагмасига кирган жойидан қиркилади. Шуни таъкидламоқ лозимки, агар уретранинг бульбар кисми стриктурага ёки облитерацияга учраган бўлса, одатда спонгиоз тўқима ҳам озми-кўпми чандиклашган бўлади. Аммо уретранинг бульбар кисми қиркилаётган пайтда спонгиоз тўқиманинг ҳам қиркилган кисмини монокрил билан белгиламоқ, операцияни тугаллаётганда худди шу кисмини спонгиоз тўқимага 3/0 монокрил билан тикламоқ зарур.

Иккинчи босқичда шуни унутмаслик лозимки, тос туби диафрагмасининг уретра ўтган жойида олат дорсал венаси, ички уят артериясининг ҳам нервининг учта шохчаси, олат чуқур артерияси ётади. Шунинг учун уретранинг ён атрофини айланасига авайлаб, ўткир учли «москит» кискичи ёки ўткир учли кичкина қайчи билан ажратиб, сўнгра тўмтоқ кискич учларини ажратилган жойга киритиб, аста - секинлик билан кенгайтириш лозим. Шу тарика асосан тўмтоқ йўл билан, ҳеч илож бўлмайд қолгандагина киркиш билан уретранинг торайган қисми ажратилади ва киркиб олиб ташланади.

